

Сийрат 180-дарс. Мўътадил бўлинглар, тўғри йўл тутинглар!



17:00 / 09.04.2022 5367

698. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан чиқиб, бозорга, бир ансория аёлнинг олдига келдик. Аёл икки қизини олиб келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, бу иккиси Собит ибн Қайснинг қизлари. У сиз билан бориб Уҳуд куни қатл бўлди. Икковининг амакиси молларининг ҳаммасини, меросларини эгаллаб олди. Уларга молдан ҳеч нарса қўймай олди. Эй Аллоҳнинг Расули, нима дейсиз? Аллоҳга қасамки, моллари бўлмаса, улар никоҳлана олишмайдилар», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Бу ҳақда Аллоҳнинг Ўзи ҳукм қилур**», дедилар. Шунда Нисо сурасидаги «*Аллоҳ сизларга болаларингиз ҳақида тавсия қилур*» ояти нозил бўлди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Менга**

аёлни ва унинг соҳибини чақиринглар!» дедилар ва икковининг амакисига: **«Иккисига учдан иккини бер ва оналарига саккиздан бирни бер. Қолгани сенга»,** дедилар».

Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган.

699. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ким ёмонлик қилса, унинг жазосини тортади» ояти нозил бўлганда, бу мусулмонларга оғир туюлди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мўътадил бўлинглар, тўғри йўл тутинглар! Мўминга етган ҳар бир мусибатда каффорот бордир. Ҳатто у кўнгилсизликка учраса ҳам ёки унга тикан кирса ҳам»,** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан